

## ХАВФСИЗ ТУРИЗМ БЎЛИНМАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ – ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ГАРОВИ.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти  
кафедраси бошлиги, юридик фанлар доктори,  
профессор **Исмаилов Исамиддин**  
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси  
Ички ишлар органларининг маъмурий фаолияти  
кафедраси катта ўқитувчиси **Шукуров Фарход Норқулович**

**Аннотация.** Мақолада ички ишлар органлари хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларининг ташкил этилиши, уларнинг асосий фаолият йўналишлари, шунингдек транспорт ва туризм обьектларида жамоат хавфизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, хусусан мазкур таркибий тузилмалар амалиётига жорий этилаётган янги тартиблар ва механизmlар юзасидан мулоҳаза юритилган.

**Аннотация.** В статье рассматриваются, процесс создание подразделений органов внутренних дел по обеспечению безопасного туризма, их основные направление деятельности, а также сущность и содержание осуществляемых мер по обеспечению безопасности на объектах транспорта и туризма, в частности внедряемые в практику указанных структурных подразделений новые порядки и механизмы.

**Annotation.** In the article, the content and essence of the measures taken to ensure safe tourism in the internal affairs bodies, their main areas of activity, as well as the introduction of an effective system of ensuring public safety in transport and tourism facilities, in particular, new procedures and measures introduced to the practice of these structural structures were discussed.

Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қўтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш, хусусан туризм индустриясини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда унинг роли ва улушини ошириш, туристик хизматларни диверсификация қилиш ва сифатини яхшилаш, туризм инфратузилмасини кенгайтириш назарда тутилган.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, ҳар қандай давлатда, ҳудудда туризмни ривожлантириш энг аввало сайёҳлик намойиши обьектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида хавфизликтининг таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари тизимида туб ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий йўналишларидан бири сифатида туризм хавфизлигини таъминлаш бўлинмаларини ташкил ва уни ривожланган

давлатлар туризм полицияси даражасида фаолият олиб боришига эришиш хисобланади.

Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга мувофиқ Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида сайёҳлик фаолияти хавфсизлигини самарали таъминлаш ва сайёҳлик хизматлари кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини амалга ошириш бошланди<sup>1</sup>.

Мазкур Концепцияга мувофиқ Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди. Улар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб:

бевосита сайёҳлик намойиши обьектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида ички ишлар органлари фаолиятини ташкил қилиш;

хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини ахборот-техник қўллаб-қувватлаш, улар ўртасида мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва қатъий назорат қилиш;

сайёҳлик намойиши обьектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида юзага келадиган тезкор ва жиноий ҳолатларни тизимли таҳлил қилиш, сайёҳларга нисбатан содир этиладиган хуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирлар кўриш белгиланди.

2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг Бухоро, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, лавозимлар танлов асосида бир нечта хорижий тилларда эркин сўзлаша оладиган, касбий жиҳатдан юксак муомала маданиятига эга ходимлар билан жамланди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепциясида<sup>2</sup> мамлакатнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз мамлакат сифатидаги имиджини мустаҳкамлаш мақсадида юқори туристик салоҳиятга эга бўлган ҳудудларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича ички ишлар органларининг маҳсус бўлинмаларини ташкил қилиш, уларни замонавий техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш белгиланди.

Мазкур талаблардан келиб чиқсан ҳолда туризм обьектларида жамоат хавфсизлигини самарали таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги босқичига ўтиш мақсадида мувофиқ 2018 йилдан Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида жорий этиб келинаётган Хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси Тошкент шаҳри, Тошкент ва Сурхондарё вилоятларига ҳам татбиқ

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 23 ноябрдаги “Бухоро, Самарқанд, Хива ва Шахрисабз шаҳарларида хавфсиз туризмни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 939-сон қарори / <https://lex.uz/docs/3422675?otherlang=3>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5611-сон Фармони / <https://lex.uz/docs/4143188>

этилиб, унда белгиланган чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Концепцияда белгиланган вазифаларни ва чора-тадбирларни амалга ошириш учун Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят Ички ишлар бош бошқармалари ҳамда Сурхондарё вилоят ички ишлар бошқармаси таркибида ҳам хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармалари ташкил этилди<sup>3</sup>.

Янгидан ташкил этилган бошқармалар фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

бевосита туризм намойиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари хизматини самарали ташкил қилиш;

ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш борасидаги фаолиятига ахборот-техник жиҳатдан қўмаклашиш, улар ўртасидаги ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик устидан қатъий назорат ўрнатиш;

туризм намойиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, туристларга нисбатан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар сабаблари ва шароитларини аниqlаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш.

Мамлакатимизда хавфсиз туризмни таъминлаш соҳада 2019 йил 1 апрелдан бошлаб қўйидаги янги тартиблар жорий этилди:

**биринчидан**, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари шартнома асосида туристлар ва туристик гуруҳларни, шу жумладан автотранспортда ҳаракатланиш вақтида кузатиб бориш ҳамда моддий маданий мерос объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш<sup>4</sup> ҳуқуқига эга бўлдилар;

**иккинчидан**, транспорт объектларида, биринчи навбатда туризм йўналишдаги поездларда хавфсиз туризмни таъминлаш бўйича функциялар транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда;

**учинчидан**, транспорт объектларида содир этилган жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабар ва аризаларни ҳисобга олиш ва қайд этиш марказлашган тартибда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг навбатчилик қисмлари томонидан амалга оширилмоқда;

**тўртинчидан**, транспорт объектлари ва уларга туташ ҳудудларда содир этилган жиноятлар билан боғлиқ баҳсли материалларни кўриб чиқишига доир

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 марта “Транспорт ва туризм объектларида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизимини жорий этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4229-сон қарори / <http://lex.uz/docs/4229310>

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 августдаги 669-сон қарорининг: 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида туристлар ва туристик гуруҳларни кузатиб бориш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаНИЗОМ; 2- иловасига мувофиқ тасдиқланган “Ички ишлар органларининг хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари томонидан шартнома асосида туризм намойиши объектларида жамоат тартибини сақлаш бўйича пулли хизматлар кўрсатиш тартиби тўғрисидаНИЗОМ / [HTTPS://LEX.UZ/DOCS/4475557](https://LEX.UZ/DOCS/4475557)

қарор қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш бўйича ўринbosари томонидан Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокуратураси билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда;

*бешинчидан*, туризм йўналишидаги темир йўл транспортида ҳаракатланиш давомида содир этилган, тегишлилиги бўйича ички ишлар органларига тааллукли бўлган маъмурий ҳукуқбузарликларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш уларда жамоат тартибини самарали таъминлаш учун кузатувчи профилактика инспекторлари лавозимларини босқичма-босқич жорий этиш орқали бевосита поездларнинг ўзида амалга оширилмоқда;

*олтинчидан*, темир йўл вокзаллари ва аэропортлар атрофида йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидалари бузилишининг олдини олиш ва чек қўйиш ҳудудий ички ишлар органлари билан биргалиқда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари томонидан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Хавфсиз туризмни таъминлашни мувофиқлаштириш бошқармаси мамлакат миқёсида ва унинг ҳудудий бўлинмалари эса жойларда Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясининг амалга оширилиши учун масъул бўлган ишчи орган сифатида фаолият олиб бормоқда.

Ички ишлар органлари, хусусан унинг хавфсиз туризмни таъминлаш ҳамда транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмаларининг фаолиятига оид қўйидаги қоидалар амалга киритилди:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ўз хизмат фаолиятида Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан тасдиқланадиган алоҳида фарқловчи белгилар, автотранспорт воситаларида ягона светографик схемалар ҳамда эмблемадан фойдаланишлари;

Тошкент шаҳар, Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари тегишли вазирлик ва идоралар ҳудудий бўлинмаларининг Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини амалга ошириш бўйича фаолияти устидан тизимли назоратни таъминлайдилар ҳамда уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича шахсан жавобгар ҳисобланадилар;

ички ишлар органлари республикада хавфсиз туризмни таъминлаш ахволини тизимли мониторинг қиласи ҳамда туристлар оқими ва юзага келаётган тезкор вазият таҳлили асосида мазкур йўналишдаги иш самарадорлигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига вақти-вақти билан таклифлар киритиб боради;

транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари фаолиятини кундалик тартибга солиш масалалари бўйича тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларига, хизмат ва тезкор фаолиятни ташкил этиш масалалари бўйича бевосита Бош бошқармага бўйсунади.

Бундан ташқари мазкур карорга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига шартнома асосида «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маблағлари ҳисобидан туристик йўналишлар бўйича темир йўл поездларида профилактика инспекторларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш, шунингдек

транспорт объектларида ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва ўз вақтида чек қўйиш ҳамда фавқулодда ҳолатларда ҳаракатланиш мақсадида идоравий вертолёт техникаси имкониятларидан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини тўлақонли амалга оширишнинг самарали механизми сифатида 2019 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахс ташкил этмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирига Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча штат бирликларини жорий қилиш ҳамда туризм намойиши ва инфратузилмаси объектларининг сони ҳамда ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ушбу соҳага фуқароларни шартнома асосида жалб қилиш, шунингдек хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимлари учун, қонунчиликда белгиланган бошқа қўшимча ҳақлардан қатъи назар, лавозим маошининг 100 фоизигача бўлган миқдорда рағбатлантирувчи устамалар жорий этиш ҳуқуқи берилди.

Хавфсиз туризмни таъминлаш жамғармаси маблағлари фақат қўйидагилар учун сарфланади:

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмаларининг ходимларини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг касбий тайёргарлигини ошириш, улар томонидан илғор хорижий тажрибани, шу жумладан хорижий мамлакатларга чиқиш орқали ўрганиш билан боғлиқ тадбирларни ташкил этиш;

хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари ходимларининг қўшимча жорий этилган ва бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган штат бирликларини ҳамда шартнома асосида жалб қилинган фуқароларни молиялаштириш;

хавфсиз туризмни таъминлаш соҳасида қўргазма ва ярмаркаларни ўтказиш, лойиха, дастур ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Хавфсиз туризмни таъминлаш концепцияси талабларидан келиб чиқсан ҳолда мазкур қарорга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида хавфсиз туризмни таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича 2019 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси» тасдиқланиб, бугунги кунда унда белгиланган чора-тадбирлар тизимили равища амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июдаги “Туризм тўғрисида”ги қонунининг<sup>5</sup> қабул қилиши мамлакатимиз туризм салоҳиятининг юқори даражага кўтарилишини, шунингдек Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида, айниқса туризм намойиши объектлари ва инфратузилмаси ҳудудларида самарали хавфсизлик тизимини жорий этишга янги имкониятларни яратмоқда.

Хусусан, туристларнинг, экскурсантларнинг ва туризм соҳаси субъектларининг ҳуқуqlари, эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳамда

<sup>5</sup> <http://lex.uz/docs/4428097>

хавфсизлигини ҳимоя қилиш устуворлиги мазкур қонуннинг асосий принципларидан бири сифатида, шунингдек туристлар ва экскурсантларнинг хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари ва мол-мулкини ҳимоя қилиш туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналиши этиб мустаҳкамлаб қўйилганлиги бунинг яққол мисолидир.

Мазкур қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатда хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясига мувофиқ, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда транспорт ва туризм обьектлари ҳамда уларга туташ ҳудудларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг марказлашган мувофиқлаштирилган бошқарувини ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти<sup>6</sup> тузилмасида Ситуацион-таҳлилий марказ ташкил этилди. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари:

а) транспорт ва туризм обьектлари ҳамда уларга туташ ҳудудлардаги ҳолат ва вазиятни мониторинг қилиш, келиб тушган маълумотлар таҳлили асосида вазиятнинг келгуси ривожланишини прогноз қилиш;

б) транспорт ва туризм обьектлари ҳамда уларга туташ ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, жамлаш ва таҳлил қилиш;

в) транспорт ва туризм обьектлари ҳамда уларга туташ ҳудудларда ҳуқуқбузарлик ҳолатлари, табиий ва техноген тусдаги ҳодисаларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш юзасидан тезкор ва самарали чоралар кўриш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

г) транспорт ва туризм обьектлари ҳамда уларга туташ ҳудудларда юзага келиши мумкин бўлган хавфлар тўғрисида Бош бошқарма Навбатчилик қисмини тезкор маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади<sup>7</sup>.

Мазказнинг тўлақонли ишлашини таъминлаш мақсадида транспорт обьектларида хавфсизликни таъминловчи профилактика инспекторлари ва патруль-пост хизмати ходимларини мобиль видеорегистратор (бодикамера)лар, қидирудаги шахслар тўғрисидаги маълумотлар билан дастурий таъминотга эга планшетлар билан таъминланди, шунингдек транспорт обьектлари ва уларга туташ ҳудудлар видеокузатув мосламалари билан жиҳозлашди.

Мамлакатимизда Хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясининг самарали амалга оширилаётганлигининг натижаси сифатида 2018 йилда Ўзбекистон Американинг Gall up институти ўтказган сўровномага биноан дунёнинг энг хавфсиз 5 мамлакати рўйхатига кирганлигини кўрсатишимииз мумкин<sup>8</sup>.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартағи “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятичиллик қарши курашиб соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони / <https://lex.uz/docs/5344118>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 декабрдаги “Транспорт ва туризм обьектларида хавфсизликни таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 1010-сон қарори / <https://lex.uz/docs/4651276>

<sup>8</sup> [http://hamnews.uz/content/uzbekiston\\_dunyoning\\_eng\\_havfsiz\\_beshta\\_davlati\\_atorida](http://hamnews.uz/content/uzbekiston_dunyoning_eng_havfsiz_beshta_davlati_atorida)

Жаҳон иқтисодий форуми эксперлари ўтказган “The travel and Tourism Competitiveness 2019” халқаро рейтингида ҳам Ўзбекистон 5-ўринни забт этди. Шу йили Буюк Британиянинг “The Telegraph” нашри Ўзбекистонни туризм йўналишидаги энг чиройли ва ажойиб жойлар ТОП-10 рўйхатига киритди ҳамда хақиқий (аутентик) туризм йўналишида 1-ўринга лойиқ кўрди.

Германиянинг оммабоп бўлган “BILD” онлайн нашри томонидан тузилган 2020 йилда энг яхши туризм йўналишидаги давлатлар рейтингида Ўзбекистон яна биринчи ўринда. Россиянинг “Oktogo.ru” сайти ўтказган рейтингда энг арzon туризм йўналишидаги шаҳарлар қаторида Тошкент шахри ТОП-5 рўйхатига киритилди.

Мамлакатимизда зиёрат туризми ҳам жадал ривожланмоқда. Фикримизни “Crescent Rating” компанияси томонидан 2015 йилдан буён юритиладиган “Global Muslim Travel Index”нинг 2019 йилги натижаларига кўра, Ўзбекистон зиёрат туризми учун энг қулай бўлган давлатлар рўйхатидан жой олгани мисолида ҳам тасдиқлаш мумкин. Австралиянинг “Lonely Planet” нашри эса Ўзбекистонни саёҳат давомида саргузаштларни қидириш учун энг яхши давлатлар рейтингида 2-ўринга лойиқ, деб эътироф этди.

Gallup’s Америка жамоатчилик фикрини ўрганиш институти ҳар йили жаҳон миқёсида ўтказилган қонун ва тартиб индексига кўра, 2020 йилда Ўзбекистон 92 балл билан Норвегия, Австрия, Швейцария ва БАА қаторида хавфсиз мамлакатлар ўнталигига киргани том маънода биргаликдаги саъи-ҳаракатларимиз самараси эканини таъкидлаш, албатта, ёқимли. Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу халқаро институт хавфсиз мамлакатларни баҳолашда фуқароларнинг маҳаллий ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ишончи, фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланганини ҳис қилиш даражалари, давлат худудида туну кун эркин ва хавфсиз юриш масалаларига ҳам эътибор қаратади<sup>9</sup>.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки мамлакатимизда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, шу жумладан қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан ички ишлар органлари амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, айниқса хавфсиз туризмни таъминлаш бўлинмалари фаолиятининг янада кенгайиб ва мустаҳкамланиб бораётганлиги Ўзбекистоннинг туризм хавфсизлиги юқори даражада таъминланган ривожланган давлатлар қаторида бўлишига хизмат қиласи.

<sup>9</sup> С.Усмонов Ўзбекистон хавфсиз мамлакат сифатида нуфузини янада мустаҳкамламоқда. / <https://yuz.uz/news/ozbekiston-xavfsiz-mamlakat-sifatida-nufuzini-yanada-mustahkamlamoqda>